


ОЗОД ВАТАН, ОБОД ВАТАН ЭГАЛАРИ



1 ИЮНЬ — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Болажон юртнинг
жондан азиз
дилбандлари!
Байрамингиз
қутлуғ бўлсин.
Ёдда тутинг:
сизлар фақат
ҳар йили 1 июнда,
яъни Болаларни
ҳимоя қилиш
халқаро кунда эмас,
балки ҳар кун,
ҳар бир дақиқа
ва сонияда давлатимиз,
Юртбошимиз,
халқимиз ардоғида,
эъзозидасиз,
Чунки Сизлар —
келажагимиз эгаларисиз,
Шу азиз Ватан —
Сизларники, ҳозирги
авлод амалга ошираётган
улуғвор бунёдкорлик
ишларини эртага сизлар
давом эттирасиз.




Муборак нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

Болаларни ҳимоя
қилиш халқаро кун
муносабати билан
жаннатмакон
юртимизнинг барча
кичкинтойларини,
бутун Ўзбекистон
халқини қизғин
қутлаймиз. Барча-
барчангизга соғлиқ,
аъло кайфият,
тинчлик-омонлик
тилаб, бугунги озод
Ватанимизда
бунёдкорлик ишлари
Сиз азизлар, Сизнинг
эртанги кунингиз учун,
деб қоламиз!



«Наманганёғзэкстракция» ОАЖ жамоаси



Юртимизнинг жондан
азиз фарзандларини
гўзал байрам —
Болаларни ҳимоя қилиш
халқаро кун билан
чин дилдан табриклаймиз.
Она-Ватанимизнинг
эрка ўғлонлари,
дилбар қизлари!
Ҳамиша соғу
саломат бўлинг,
лабингиздан кулгу,
чехрангиздан
табассум аримасин.
Ота-онангиз
порлоқ иқболингизни,
нурли толеингизни кўриб,
орзу-ҳаваслари
рўёбга чиқсин.
Замонамизга
муносиб авлод
бўлиб вояга етинг.

«Наманганпахтасаноат»
худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси



Ҳаётимиз мазмуни, бахту
саодатимиз бўлган азиз
кичкинтойларни
Болаларни ҳимоя қилиш
халқаро кун муносабати
билан самимий қутлайди.
Оламда болаликдек беғубор
палла, гўдак табассумидек
покиза кулгу йўқ.
Фарзандларимиз қалбини
ана шундай бахтиёрлик
туйғуси асло тарк этмасин.



19 сонли «Қашқадарё деҳқончилик қурилиш»
очиқ акциядорлик жамияти

**ХАЛҚ фаровонлиги энг олий
■ конундир**

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

Ташрифдан руҳланиб

**ЮРТБОШИМИЗ НАВОИЙ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИГА ҚИЛГАН
САФАРЛАРИ ДАВОМИДА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ
АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ
АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР**

**■ Дилбар ШАРИПОВА,
Когон шаҳар марказий касалхонаси бош шифокори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
O'zLiDeP туман кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари.**

Президентимиз юртимизнинг қай гўшасида бўлмасинлар, кишиларимизнинг турмуш шароитлари, яшаш тарзи ва албатта, соғлиғи билан қизиқадилар. Бу бежиз эмас, зотан, эл соғлиғи — юрт бойлиғи. Бухорода ҳам шундай бўлди. Янги ишга туширилган диагностика марказини кўздан кечириб туриб, Юртбошимиз ушбу тиббий муассасада беморлар ортиқча расмиятчилик ва беҳуда ташвишларсиз қабул қилиниши зарурлигини қайта-қайта уқтирдилар.

Касалхонамизда фаолият кўрсатаётган 140 нафар олий маълумотли шифокор ва 360 нафар ўрта тиббий ходимнинг мақсади битта, у ҳам бўлса, ҳар қачонгидек, "Хомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинган 2006 йилда ҳам даволаш-профилактика ишларини яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олиш бўйича жойларда ўтказилётган тарғибот-тушунтириш ишларида самарадорликка эришиш йўли билан тиббиётдаги ислохотлар жараёнига муносиб ҳисса қўшишди.

Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтмоқчи эдим. Когон

шаҳри бўйича гепатит А касаллиги йил сайин камайиб бораётганлиги меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларида вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган тиббиёт оид маърузалар ва жонли мулоқотларнинг амалий самараси ҳисобланади.

Инсонпарвар, ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган мамлакатимизда халқ соғлиғини сақлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш устувор ва зифалардан биридир.

Халқимиз тиббиёт ходимларини саломатлик посбонлари, дея эъозлайди. Ана шу эъозга муносиб

бўлиш қалб амримиз ва виждоний бурчимиздир. Биз шунингдек, Юртбошимиз назарига тушган соҳа ходимлари эканлигимиз билан ҳам чексиз фахрланамиз. Президентимизнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори бизни янада самарали ишлашга ундамоқда. Бухородаги мулоқотлар чоғида Юртбошимизнинг барча шифокорлар ва тегишли мутасаддиларга берган маслаҳат, йўл-йўриқлари касалхонамиз жамоаси учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтайди.



Этали юрт эркини бермас

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда O'zLiDePдан сайланган депутатлар, партиянинг вилоят ва шаҳар кенгашлари ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишни лицей директори М.Давронов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ёшларга катта эътибор берилётгани, навқирон авлод ҳам бунга муносиб жавоб қайтариши лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчиларига Андижон воқеалари, унинг оқибатлари ҳамда террорчиларнинг асл ниятларини ошкор этувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Д.Нормуродов 13 май воқеаларининг бевосита ташкилотчилари ҳамда ижрочилари устидан олиб борилган суд жараёни ва фожиа туфайли қурбон бўлган бир гуруҳ беғуноҳ ватандошларимизнинг аянчли қисмати тўғрисида йиғилганларга сўзлаб берди.

Меҳрибонлик уйига — қимматбаҳо совғалар

Бўка туман кенгаши 15-меҳрибонлик уйида Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб "Мен — Ўзбекистон фарзандиман" мавзусида байрам тадбирини ўтказди.

Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати М.Акрамова, Тошкент вилояти "Камалак" болалар ташкилоти раиси Б.Жабборов, партиянинг вилоят, туман кенгашлари фаоллари, депутатлар, меҳрибонлик уйи ўқитувчи ва мураббийлари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларга яратилаётган шароитлар, болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар, уларнинг камситилишига барҳам бериш масалаларига аҳолиларга тўхталди.

Шундан сўнг Бўка туман болалар бадий ҳаваскорлик жамоаларининг байрам дастури намойиш этилди. Тадбир давомида "Олам — менинг тасаввуримда" деб номланган асфальтга расм чизиш кўриктанловида деярли барча болалар ўзларини қизиқтираётган мавзуларда расмлар чизди.

Тадбир сўнгида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига хомийлар томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ёш аскарлар қасамёди

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда 2006 йил 27 май куни аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимни ҳарбий қисм командири О.Нуринов очди.

Шундан сўнг ўз фарзандлик бурчини бажаришга киришадиган 147 нафар ёш аскар Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга сидқидилдан ва виждонан хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Тадбирда ёш аскарларни табриклаш учун уларнинг ота-оналари, вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ масъул ходимлари ҳамда O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши фаоллари қатнашдилар.

Етакчилар ва фаоллар учун семинар

Жиззақ вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида 2006 йил 23-24 май кунлари бошлангич партия ташкилоти раислари ва партия фаоллари иштирокида семинар ўтказилди.

Анжуманда юртимизда тинчлик-осойишталикни асраш, мамлакатимиз мустақиллигига қарши қаратилган турли хавф-хатарлар, мафкуравий тажовузларга қарши курашиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш, юртдошларимиз, аynиқса ёш авлод онига миллий истиқлол ғоясини синдириш, гоёлар кураши авж олган бугунги шароитда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, партия сафини янада кенгайтириш каби долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди ҳамда партия фаолларининг бу борадаги вазифалари белгилаб олинди.

АКС-САДО

18-19 май кунлари Президентимиз Ислоҳ Каримов Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлиб, ислохотларнинг бориши, Ватан ва халқ равнақи йўлида амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар билан бирма-бир танишдилар. Айниқса, Бухоро туманидаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганларида, мендай оддий фермерлар билан самимий суҳбатлашдилар.

**■ Ориф РАШИДОВ,
Шофиркондаги «Ибод бобо»
фермер хўжалиги раҳбари**

— Ана шундай бунёдкор, юрагида эл-юрт манфаатлари йўлида самарали ишлаш иштиғи жўш урган кишилар билан бўлган ўзаро жонли мулоқот шахсан менда бир умр унутилмас таассурот қолдирди. Хусусан, биз олдиндан фермерлик истиқболига

ишониб, бу соҳага алоҳида эътибор бергандик, — дедилар Юртбошимиз.

Бу — ҳаётий ҳақиқат. Мана, бутун мамлакатимизда бўлгани каби биз, фермерлар энди бемалол ишлашимиз, тармоқни ривожлантиришимиз учун қонуний асослар, кенг имкони-

ятлар яратилди.

Фермер хўжалигимиз 1999 йил 8 февралда тузилган эди. Ҳозир 103 гектар экин майдони, "Муллажик" массивида 2200 гектар яйловимиз бор. 843 та қўй-эчки, 38 бош қорамол, 15 та от боқилапти. Пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар етарли. "Алтай", 2 та "МТЗ-80", "ТТЗ-60", "КИР-1,5" каби техника воситаларимиз, юк ташийдиган ва "Дамас", "Нексия" энгил машиналаримиз бор. 72 нафар киши ҳалол ишлаб, ойига ўртача 42-50 минг сўмдан иш ҳақи олапти.

Бултур ҳамма тармоқлардан 105 миллион 500 минг сўм даромад, 30 миллион сўмга яқин соф фойда килдик. Негаки, давлатга 303 тонна аъло навли пахта, 26 тонна сара дон сотгандик. Режадагидан

ошиқча 10 тоннага яқин донни пудратчиларимизга тақсимлаб бердик. Йил якуни ва Наврўз сайлида 55 нафар илғор мутахассис-ишчиларимизга 2 миллион 300 минг сўмлик мукофотлар бердик. Жумладан, бош пудратчилардан Хусниддин Эшбоев рангли телевизор, Нодир Иброҳимов бир бош сўким, пудратчилардан Жаббор Жамиллов, Илҳом Шодмонов, бош чўпон Амин Бекназаров, молбоқар Раҳмат Икромовлар биттадан қўчор ва гилам билан тақдирланишди.

Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Келачи қишлоқ тиббиёт масканига рангли телевизор ва 20 минг сўм, етти пирнинг бири — Хўжа Ориф ар-Ревгарий (Моҳитобон) зиёратгоҳини ободонлаштиришга 600 минг, 12-мактаб таъмирига 600 минг сўм кўчириб бердик.

Бу йил 70 гектарда пахта, 20 гектарда галла, 13 гектарда чорва озукаси етиштираямиз. 20 қути ипак қуртидан 1300 килограмм юқори навли пилла топширдик. Қорамолларимиз 60, қўй-эчкиларимиз 2 минг бошга етди. Мўллажикимиз — жами 150 миллион сўмлик даромад қилиш, Ўз-ўзидан соф фойдаимиз ҳам кўпаяди, албатта.

Биз келгусида деҳқончиликда ҳосилдорлик, чорвачиликда маҳсулдорликни тобора ошира бораемиз. Фермер хўжалигимизда донни қайта ишлаш цехи қурилишини бошлаб юбордик. Унинг барпо этилишига 2 миллион 300 минг сўм сарфлаяпмиз. Насиб бўлса, замонавий тегиримонимиз бир кеча-кундузда 5 тоннагача ун ва кепак ишлаб чиқаради. Ўз аъзоларимиз бепул ун тортиш имтиёзига эга бўлишди.

Сайловлар қизғин ўтди

уларда O'zLiDeP аъзолари етакчи ўринни эгалладилар

Юртимиз осойишталиги, халқимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан маҳалла ва қишлоқларимизда истиқомат қилаётган аҳоли фаоллиги билан таъминланади. Одамларимизнинг аҳил-иноқлиги эса маҳалла оқсоқоллари, улар маслаҳатчиларининг ишчанлиги, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» муҳбири

Чунки жамоанинг юриш-туриши, яшаш шароити, даромад манбаи, фарзандларини қандай тарбияланаётганини

кўриб-билиб турган, зарурат туғилганида тўғри маслаҳати, керак бўлганида моддий ёрдами билан бу инсонлар ҳамжиҳатлик

муҳитини яратадилар. Мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига алоҳида эътибор берилётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

— Бугун Асака шаҳрида 18 та маҳалла фуқаролар йиғини ишлаб турибди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказилди, — дейди Асака шаҳар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Ҳар бир маҳаллада махсус тузилган ишчи гуруҳ сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бош-қош бўлди. Қонунда белгиланган ваколат доирасида Ўзига бириктирилган ишларни юқори даражада амалга оширди.

Шаҳардаги мавжуд маҳаллалар раислари (оқсоқоллари) лавозимига 54 нафар номзод кўрсатилганди. Улардан 18 нафари кўпчилик овоз олиб, масъул вазифага сайланди.

Янгидан фаолият бошлаётган раисларнинг 6 нафари O'zLiDeP аъзосидир.

Асака туманидаги 55 маҳаллада ҳам сайловлар қизғин ўтди. Бугун эса 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сайланади.

ШАРҲЛАР

ДАЛИЛЛАР,

ВОҚЕАЛАР,

ТАШАБУСУ

«ЖАР»да яна байрам

Пойтахтимизнинг "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига ҳамда "Жар" спорт мажмуаси қошидаги от спорти манежининг очилиши муносабати билан байрамона маросим бўлиб ўтди.

■ Солиҳ ЗОИП

— Ички ишлар вазирлиги ҳамда "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда пойтахтимизнинг меҳр-мурувват уйларида тарбияланаётган 1.500 га яқин болалар ҳамда ички ишлар ходимларининг боқувчисини йўқотган оила аъзолари қатнашдилар, — дейди биз билан суҳбатда тадбир ташкилотчиларидан А. Маҳкамов.

Тадбирнинг бадий қисмида ҳаваскор, санъаткорлар, "Турон юлдузлари" дастаси, республика от спорти мактаби, шунингдек, "Жар" от спорти мактаби вакиллари ўз чиқишлари билан минглаб томошабинларга завқ-шавқ улашдилар.

Байрам сўнгида "Rossi" Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси, "BETA ALGORITHM A.S." турк хорижий корхонаси ҳамда "Имкон плюс" хусусий корхонаси томонидан болаларга байрам совғалари топширилди.




ЯНГИ АВЛОД

**БОЛАЛАР эртанги кунимизнинг
хакамлари, карашларимиз,
ишларимизнинг мунаққидларидир**

Ёшларга ишонч ташаббустга чорлайди

ШҮРЧИДА БЎЛИБ ЎТГАН «АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ТЕРРОРИЗМ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ ҲАМДА ОИТССИЗ КЕЛАЖАК САРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ФОРУМДА 10 МИНГДАН ОРТИҚ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ



Айтиш керакки, О'zLiDePнинг Шўрчи туман кенгаши айни пайтда ўз сафига 1 минг 800 га яқин аъзо-ни бирлаштирган. Улар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли йўналишларида фаолият юритишмоқда. Алпомиш номли

спорт мусобақаларини ўтказишда ташаббус кўрсатмоқда. Шу билан бирга туман шарофтини вилоят ва республикада химоя қилаётган спортчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда ҳам туман кенгашининг алоҳида ўрни бор. Мавриди келганда яна бир нарсани таъкидлаш лозим: Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан туманда ўтказилган турли кўрик-танлов ва мусобақаларга партия томонидан 1 миллион 500 минг сўмлик қимматбахо совғалар ажратилди. Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан беш нафар фарзандни тарбиялаётган оила бошлиғи, ногирон Ойқиз Шосиновага уй олиб берди. Тумандаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, қаровчиси йўқ Татьяна Яковлеванинг уйини тўлиқ жорий таъмирлаб берди ва бир дона телевизор ҳадя қилди. Ана шундай хайрли тadbирларни амалга ошираётган О'zLiDeP туман кенгаши раиси, "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ бошқаруви раиси Уйғун Бердимуродовга туман ҳокимлиги яна ишонч билдириб, айни пайтда қаровсиз ҳолга келиб қолган Б.Холматов номи маданият ва истироҳат боғини партиянинг туман кенгаши иштироғида ўтказиб берди. Қисқа вақтда истироҳат боғидаги барча аттракционлар қайта таъмирланди ва ишла ту-

ширилиб, бу ерда яна шўрчилик болалар маданий ҳордиқ чиқара бошладилар. Айни пайтда эса боғдаги бошқа ўйингоҳларда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Партия раҳбарлари унга замонавий кўрк беришни мўлжаллашмоқда. О'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини кўнгилдагидек бажараётган туман кенгашининг мазкур форумни ташкил этишидан мақсад, мустақил мамлакатимизга қарши қаратилган ахборот хуружларининг моҳиятини атрафлича очиб бериш, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг мафкуравий имунитетини мустаҳкамлаш, диний экстремизм ва терроризмнинг гоявий манбалари, тарқалиш сабаблари, ривожланиш тенденциялари ҳамда унинг шахс, жамият ва давлатга солаётган хавфи ва таҳдидидан, гиёхвандликнинг ноҳуш оқибатларидан ёшларни маърифий йўл билан огоҳлантиришдир. Шунингдек, анжуманда тумандаги 35 та умумтаълим мактабининг битирувчи синфи энг аълочи ўқувчиларидан 35 нафарига партиянинг қимматбахо совғалари топширилди. Форумда ёш спортчилар, туман санъат мактаби ўқувчилари ва шўрчилик санъаткорлар билан бирга "Қаҳраҳ" театри ҳамда тошкентлик бир гуруҳ таниқли санъаткорларнинг чиқишлари барчада яхши таассурот қолдирди.

Фарзанд камоли, бахт-саодатини кўришни истаган ҳар бир ота-она эртанги кун ташвиши, келажак ўй-хаёли билан яшайди. Шу боис бола ақлан етук, жисмонан соғлом бўлсин, деган хонадон соҳиблари ўз фарзандларини имкони борича яхшироқ тарбия муассасаларига беришга интиладилар. Айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда айнан мактабгача таълим тизимини янада яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

Эркатайлар ардоқда

Сайёра ТУРҒУНБОЕВА

Тошкентдаги "Истиклол" мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда, кўчаларда эртанги кунда маҳсул майдончалар, ҳар қаер-ҳар қаерга ўрнатилган ёввойи ҳайвонлар ҳамда эртанги қарамонлари акс эттирилган макетларни кўриб, чинакам болалар дунёсига кириб қолгандай сездиқ ўзимизни. Аслини олганда, 1974 йилдан фаолият юритиб келаётган ушбу болалар боғчиси мамлакатимиздаги бошқа мактабгача таълим муассасаларидан унчалик фарқ қилмайди. Бироқ маскан тарбиячилари ва ота-оналар саъй-ҳаракати билан бу ерда болалар учун барча зарур шарт-шароит яратилишига эришилди. Хусусан, болажонларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун спорт анжумлари сотиб олиниб, жисмоний тарбия майдончалари, сузиш ҳавзаси барпо этилган. Бу ерда ташкил этилган фитобарда эса болалар ҳар кун шифокор томонидан белгиланган рецeпт асосида тайёрланган шифобахш дамламаларни истеъмол қилишади. Айтиш жоизки, муассасада тарбияланаётган ясси тоновли, скалиоз, қон-томир касалликларига чалинган болалар учун массаж ва ЛФК хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Бунинг учун барча асбоб-ускуналар мавжуд. Яна айтиш жоизки, педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминланган мазкур муассасада болаларнинг руҳий ҳолатини кузатувчи руҳшнос ҳам фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, таэквандо, шашка ва рақс тўғрараклари очилган бўлиб, болалар ҳар йили ўтказиладиган қатор кўрик-танловларда мунтазам равишда қатнашиб турадилар. Масалан, шу йил рақс тўғрарак катнашчилари "Олтин хумо" кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнашиб, фахрли юқори ўринлардан бирини эгал-



ладилар, шунингдек, апрель ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ўтказиладиган республика кўрик-танловида болажонлар бор маҳоратларини кўрсатиб, биринчилиكنи қўлга киритдилар.

Муассасамизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаганда, энг аввало, бу ерда болаларнинг экологик маданиятини шакллантириш, табиатга бўлган меҳрини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида гапирмоқ лозим, — дейди муассаса мудири Лола Ниёзова. — Яқинда иш ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда пойтахтимиз туманларидан келган вакиллар иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Катта мамнуният билан айтишимиз мумкинки, ташриф буюрган меҳмонларимиз болажонлар учун яратилган шарт-шароитни кўриб қувониб кетдилар ва муассасамиз номига ташаккурномалар ёзиб қолдирдилар. Бундай юқори кўрсаткичга эришишимизга Мастура Мирзахмедова, Васила Бойназарова, Динара Рустамова, Нигора Файзуллаева каби фидойий ходимларимиз меҳнатлари сабаб бўлди, деб ўйлайман. Ҳар бир йиғилишда ходимларимизнинг изланиб, ўз устларида тинмай ишлашларини кўриб, қувонаман, сабаби — уларнинг ўз ишларига алоҳида меҳр билан ёндашишлари эвазига боғчамизда янгидан-янги педагогик технологиялар яратила бошланди. Мисол учун: болажонларимиз зерикмасликларини учун ходимларимиз ўзлари турли ўйинчоқлар ясаб келиб, машғулот ўтадилар. Шу билан бирга ҳар бир гуруҳ (жами 11 та гуруҳ бор) учун ажратилган ботаника майдончаларида тарбиячиларимиз болаларга ўсимликларни парвартириш қилишни ўргатмоқдалар. Шу билан бирга бу ерда болажонларга ҳам назарий, ҳам амалий билимларини беришда керак бўладиган барча кўргазмалар воситаларини яратиб қўйганимиз. Жумладан, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш учун автодром майдончаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда болажонлар маҳсул ўқув қуролларидан фойдаланган ҳолда машғулот ўтадилар. Хулоса тариқасида шунга айтишим мумкинки, юртимиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида болажонлар дунёқарашини шакллантириш, уларга руҳий ва жисмоний томондан тўғри таълим-тарбия бериш борасида изланишлар олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ота-оналар ўз фарзандларини бизга — соҳа вакилларига ишониб топширган эканлар, билдирилган ишончнинг оқлаш ҳар биримизнинг бурчимиз деб ҳисоблайман.

БУГУН — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

ОГОҲЛИККА ДАВБАТ

ЭХТИРОМ

БАТАН МАДҲИЯСИ

УЛҒАЙИШ

Истиклол чечаклари

Мамлакатимизда ногирон болаларнинг ўқик кўнгилларига малҳам бўлиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадидаги тadbирлар, байрам томошалари ташкил этилаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Ўз мухбиримиз

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Муборак туман кенгаши Муборак газни кайта ишлаш заводи ҳамкорлигида Хомийлар ва шифокорлар йили ва Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун муносабати билан Қаршидаги кар болалар маҳсул интернат-мактабида ўтказилган тadbир "И-

стиклол чечаклари" деб номланди. Анжуманда О'zLiDeP Муборак туман кенгаши раисининг ўринбосари Наргиза Ашурбоева, Муборак газни кайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитасининг раиси Ақром Ҳамроев, мактаб-интернат директори Исрол Қиёмов Президентимиз томонидан ёш авлод билим ва тарбия олиши учун кўрсатилаётган эътибор ҳақида гапириб, болажонларни яқинлашиб келаётган ш-

диёна билан қўлашди. Шундан сўнг мактаб-интернат тарбияланувчилари томонидан тайёрланган маҳсул байрам дастури намойиш этилди. Тadbир сўнггида тарбияланувчиларга 2 та телевизор, 3 та гилам ва 50 дан ортиқ спорт кийимлари тақдим этилди. —Кўрсатилган эҳтиром учун Либерал-демократик партиянинг туман кенгашига миннатдорлик билдирамиз, — деди мактаб-интернат ўқитувчиси Гулчехра Мусинова. — Дунёда болаларнинг шодлигидан ортиқ шодлик йўқ. Улар кулса, олам кулади. Бугун болаларимиз юзидаги табассумни кўриб, беҳад суюндим. Тарбияланувчиларимиз дилдан яйраб, рақсга тушишди, спорт дастурларини намойиш этишди. Бу каби тadbирлар болаларимиз соғлом ўсиб, ҳаётга мухаббат, юртга садоқат руҳида тарбия олиб, эл қорига ярайдиган фидойий инсонлар бўлиб улғайишларига ёрдам беради.

Фаолият тубдан такомиллашади

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида салоҳиятга эга бўлган Андижон вилоятида кейинги йилларда агросаноат тизимида



салмоқли муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, фермер ҳўжаликларини ривожлантириш бўйича Президент фармонлари ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ибратли ишлар қилинапти. 2006 йилнинг биринчи чораги яқунларига кўра фермер ҳўжаликлари сони 11142 тани ташкил этди. Улар 14993 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмасининг Андижон вилоят филиали фермерларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ҳамда касбий маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ташкил этилган ўқув-семинарлар ва амалий машғулотларда фермерликка алоқадор 3900 дан зиёд раҳбарлар ва мутахассислар сабоқ олдилар. Лекин олиб борилаётган таҳлиллар натижасида фермер ҳўжаликларининг қўллаб муаммоларини бартараф этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида уюшманинг фаолиятини тубдан яхшилаш зарурлиги маълум бўлди.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси Андижон вилоят филиали О'zLiDePнинг Андижон вилоят кенгаши билан биргаликда навбатдан ташқари йиғилиш ўтказди. Унда қишлоқ ҳўжалигига алоқадор ташкилотларнинг раҳбарлари, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси Андижон вилоят филиали кенгаши раиси Улуғбек Патидинов филиалининг амалдаги йилнинг биринчи чорагида бажарган ишлари ва Марказий кенгаш йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг ижроси, "Хомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан жойларда олиб борилаётган амалий ишлар, фермер ҳўжаликларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, консалтинг хизмат кўрсатиш ва брокерлик хизматларини ташкил этишни яхшилаш чора-тadbирлари ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, унда Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси Андижон вилоят филиали фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ чора-тadbирлар белгилаб олинди.

"Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!"

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Китоб туман кенгаши "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ёшлар форумини ташкил этди.

Ўз мухбиримиз

Унда тумандаги мактаб, лицей ва коллежларда таҳсил олаётган 200 дан ортиқ ёшлар қатнашдилар. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, туман ҳокими Луқмон Гафоров сўзга чиқиб, ёшларимиз

олган билим ва қобилиятларини озод юртимизни, мусоффо осмонимизни кўз қорачиқдек асраш, юрт равнақи, халқ фаровонлиги, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек эзгу ишларга сарфлашларига умид билдирди. Шундан сўнг ёш спортчи-

лар томонидан тайёрланган кўргазмали шоу дастури намойиш этилди. Мактаб ўқувчилари — фан олимпиадасида республикада биринчи ўринни олган Х.Абдиев, Ереван шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиада бронза медали соҳибига Ж.Узоқова туман ҳокимлиги, "Қамолот" ЕИҲ ва О'zLiDeP туман кенгашининг қимматбахо совғалари топширилди. Форумда мустақиллик, Ватан, бахтли келажак тараннум этилган қўшиқлар янгради, саҳна кўринишлари ва рақслар ижро этилди.

Сарҳисоб палласи

Шу кунларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳудудий кенгашларининг "Ёшлар қаноти" гуруҳлари томонидан олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиш, галдаги вазифалар ва режаларни белгилаб олиш мақсадида жойларда ҳисобот конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Анвар ЯҚУБОВ

Шундай анжуманлардан бири Жиззах шаҳрида ўтказилди. Унда 2004-2005 йилларда О'zLiDePнинг Жиззах вилоятидаги ёш аъзолари сони 1500 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 3000 нафардан ошиб кетгани, "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан вилоят миқёсида йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ғоявий имунитетини мустаҳкамлашга қаратилган 100 дан ортиқ мафкуравий тadbир ўтказилгани, 2005 йил давомида "Ишбилармон ўқувчи" республика кўрик-танловининг туман босқичлари ушқоқлик билан ташкилланганлиги алоҳида таъкидланган бўлди.

5

Хар қандай ташаббус, хайрли ҳаракат қуйидан бошлангандагина кутилган самарани беради



6

Асосий эътибор жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилмоқда.



«XXI ASR» IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



► АҚЛ ИРОДА ЙЎЛИНИ ЁРИТАДИ, ИРОДА ЭСА ФАОЛИЯТНИ ИДОРА ҚИЛАДИ

Амалий ишлар орқалигинга эътибор қозониш мумкин

Жамиятимизда юз бераётган туб янгиланишлар даврида, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклатилаётганини, бунда эса бошланғич ташкилотларнинг роли нихоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жараёнларда фаол иштирок этиш, ислохотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиш эса ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчидир. Фузорлик Илҳом Туркманов қайси вазифада ишламасин, ўз бурчига сидқидилдан ёндашиб, омма ўртасида обрў-эътибор қозониб келаётган фаолларимиздан. Меҳнат фаолиятини "Ўзбекгазпармалаш" трестига қарашли "Муборак пармалаш ишлари" бошқармасида бургуловчи ёрдамчилigidан бошлаган Илҳом кейинчалик ушбу корхонада технология бўлими бошлиғи, бошқарув раисининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. 2005 йил февралдан эса "Нишонгаз" филиали директори этиб тайинланди.



■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Бугунги кунда туманда 11076 хонадон табиий, 4395 хонадон эса суюлтирилган газдан баҳраманд. Жойларда "занғори олов" таъминотида узиллиш бўлишига йўл қўйилмапти. Бу соҳадаги қарздорликни бартараф этиш кун тартибда турган муҳим масалалардан биридир. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг қарздорлиги 350 миллион сўмни ташкил этган бўлса, айни кунга келиб деярли ҳаммаси узиб бўлинди. Улғуржи истеъмолчилар ҳам бир неча йилга қўзилган 444 миллион сўмлик қарзларини тўлаб бўлишди. Бу борада жойларда газ сарфини ўлчаيدиган ускуналар ўрнатилганлиги, омма ўртасида кенг тушунтириш ишлари

олиб борилганлиги муҳим аҳамият касб этди, албатта. Маълумки, табиий газ уй бекаларининг энг яқин ёрдам-



Илҳом ТУРКМАНОВ, 1970 йилда Фузур туманида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тугатган. Айни пайтда "Қашқадарёгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси "Нишонгаз" филиали раҳбари ва O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.

чисидир. Ўтган бир йил ичида Нуристон кўрғонидидаги "Муस्ताқиллик" маҳалласига 8,8 километрик газ қувурлари тортилди. "Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғини худудида-

ги 250 хонадон ҳамда Х. Жамоллов номли 31-мактаб "занғори олов"дан баҳраманд бўлди. 3,1 километр масофадаги газ қувурлари жорий таъмирланди. "Пахтаобод",

булар эди. Айниқса, хориж инвестициясига асосланган кўшма корхоналар сув ва ҳаводай зарур. Муаммони ҳал этиш учун тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилса, бас.

Бу гапларга изоҳ ортиқча. Бошланғич ташкилот аъзолари билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг кўпчилиги замонавий фикрлайдиган, ташаббускор кишилар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, адолатли жамият асосларини яратишда сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор, — деди партия фаоли Ақмал Шерғозиев. — Албатта, O'zLiDeP ҳам бундан мустасно эмас. Мавжуд қонунларни билиш ва уларга қатъий ҳиссаси катта бўлапти. Улар бошланғич ташкилот атрофида жипслашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида фаолият кўрсатишяпти. Шу боис тарафдорлар сони ҳам, бошланғич ташкилот нуфузи ҳам ортиб бораёттир.

— Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу масалаларга жиддий эътибор берилаётгани йўқ. Туманимизда кўплаб тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Аммо уларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмапти. Холбуки, туманимизда бунинг учун катта имкониятлар мавжуд. Агар маҳаллий бозор кенгайтирилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайтирилса, аҳолининг муайян қисми иш билан таъминланган

бўлар эди. Айниқса, хориж инвестициясига асосланган кўшма корхоналар сув ва ҳаводай зарур. Муаммони ҳал этиш учун тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилса, бас.

Бу гапларга изоҳ ортиқча. Бошланғич ташкилот аъзолари билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг кўпчилиги замонавий фикрлайдиган, ташаббускор кишилар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, адолатли жамият асосларини яратишда сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор, — деди партия фаоли Ақмал Шерғозиев. — Албатта, O'zLiDeP ҳам бундан мустасно эмас. Мавжуд қонунларни билиш ва уларга қатъий ҳиссаси катта бўлапти. Улар бошланғич ташкилот атрофида жипслашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида фаолият кўрсатишяпти. Шу боис тарафдорлар сони ҳам, бошланғич ташкилот нуфузи ҳам ортиб бораёттир.

— Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу масалаларга жиддий эътибор берилаётгани йўқ. Туманимизда кўплаб тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Аммо уларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмапти. Холбуки, туманимизда бунинг учун катта имкониятлар мавжуд. Агар маҳаллий бозор кенгайтирилиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, хизмат кўрсатиш шохобчалари кенгайтирилса, аҳолининг муайян қисми иш билан таъминланган

Саидов, Иброҳим Холмуродов каби партия аъзолари ёшлар ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, уларнинг маънавий тарбиясини кучайтириш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар.

— Партия фаоли, менимча, ўз эътиқодига содиқ, диёнатли ва албатта фидойий инсон бўлиши керак, — дейди Илҳом Туркманов. — Партиямиз сафига қабул қилинаётган сафдошларимизга бир-ўла "Партия аъзосига эсдалик" китобчаси ҳам қўшиб топширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Унда партия аъзоларининг бурч ва мажбуриятларига оид маълумотлар тўла акс эттирилиши лозим.

Бошланғич ташкилотлар ҳамон муваққат низоом асосида иш олиб боришмоқда. Янги низоом қабул қилиш ва уларни жойларга етказиб бериш фурсати етди. Фикримча, аъзолик бадалларининг эллиқ фоизини бошланғич ташкилотлар ҳисобида қолдирди, ана шу маблағ ҳисобидан партия хоналарини кўргазмалар воситалар, плакатлар, тегишли адабиётлар билан таъминлаш имкониятини яратиш керак. Яна бир гап: ҳар бир партия аъзосининг кўксига "O'zLiDeP нишони" бўлса, айни муддао бўларди. Токи, у ўзи аъзо бўлган партия билан фахрланиб юрсин.

Шу тариха маслакдошлар билан анча суҳбатлашдик. Газчиларнинг мулоҳазалари кўрүк гаплар эмас. Улар оддий, лекин асосли тақриф-мулоҳазалардан иборат эди. Ҳа, эл ишончини қозониш осон эмас. Модомики, бошланғич ташкилотнинг нуфузи ошиб, сафлари мустаҳкамланаётган экан, бу шубҳасиз, унинг фаоллик билан иш юритаётганидан далолатдир.

Асад Қувватов, Икромжон

Айни пайтда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида 94 та бошланғич ташкилот, 2 мингдан зиёд аъзолар фаолият юритмоқда. Хусусан, 1-Тошкент педагогика коллежида партиявий-сиёсий ишларнинг самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилаёттир. 2000 нафардан зиёд ёшлар таълим олаётган ушбу масканда соғлом психологик муҳит шаклланган. Мавжуд 100 нафар педагогнинг 20 нафари O'zLiDeP аъзосидир.

Камтарга — камол

■ Шуқурилло ПАРПИЕВ, «XXI asr» мухбири

Биз ушбу масканда бўларканмиз, бошланғич партия ташкилоти раиси Эркин Мейлиев билан партиявий-сиёсий соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— **Ўқитувчилик билан жамоат ишини қўшиб олиб бориш оғирлик қилмаяптими?**

— Йўқ. Одатда нимагаки қўл урсам, ҳаммасига ўз ихтиёрим билан ёндашаман. Жамоамиз аъзолари оқкорани таниган, олий маълумотли кишилардан иборат. Шу боис улар билан ишлаш оғирлик туғдирмайди. O'zLiDeP аъзолари ўтказилаётган барча тадбирларда бош-қош. Чин эътиқод юракда бўлади. Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ ҳамкасбларимиз O'zLiDePга аъзо бўлиш истагини билдиришган. Ҳадемай масалани кўриб чиқиш, ҳал қиламиз.

Ўқув масканимизда сиёсий-тарбиявий ишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилаяпти. Албатта, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро таълим ва тарбияни бир-бирдан айри тасаввур қилиб бўлмайд.

— **Ўз фаолиятингиздан қониқиб ҳосил қиласизми?**

— Тўғри, ҳали мақтанадиган даражада иш қилдик, дейиш қийин. Ҳаммаси энди бошланди. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, тегишли режалар тузаяпмиз. O'zLiDeP фақат ишбилармон-тадбиркорларнинггина партияси эмас. Айни кунда унинг сафларида турли касб эгалари бор. Бу эса партиямиз истиқболдан далолат беради. Юртимизда тадбиркорлар сафи кенгайган сари турмуш фаровонлиги ҳам ошиб бориши муқаррар. Биз — O'zLiDeP фаоллари ана шу эзгу ният йўлида куч-ғайратимизни, билим ва маҳоратимизни аямаслигимиз лозим.

Партия инсон маънавий салоҳиятининг узлуксиз ўсишини таъминлашга интилади. У замонавий илмий билкамлар билан қуролланган ва баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган таълимнинг янги миллий моделига тўлиқ ўтиш жараёнини қўллаб-қувватлайди ва унда фаол иштирок этади. Чунки юксак илмий салоҳиятга эга бўлган кишилар, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган тараққийпарвар ва обрўли илмий мактабларгина жамиятнинг гуллаб-яшнашини таъминлаши мумкин.

O'zLiDeP Дастуридан

СЎЗ — ФАОЛЛАРИМИЗГА!

O'ZLIDEP ОДИМЛАРИ



2006 йил 1 июнь
Пайшанба
22 (128) —сон, www.21asr.com

О`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Хато қилишга ҳаққимиз йўқ

— дейди Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилоти раиси Еrsaин Лаханов

Бугунги кунда Куйи Чирчиқ туманида О`zLiDePнинг 30 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофида 100 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги бошланғич ташкилот ана шулардан биридир. Бу ерда 20 нафар О`zLiDeP аъзоси бўлиб, улар ўз зиммаларидаги партиявий топшириқларни муносиб равишда уддалаб келишапти. Асосий эътибор жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилаётир.

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

— Партия аъзоси бўлиш катта масъулиятдир, — дейди Е. Лаханов. — Омма ишончини қозониш осон эмас. Бизга кўплаб муносабатлар тушади. Қўлимиздан келса, ёрдам бераямиз. Айрим ҳолларда туман кенгаши орқали тегишли ташкилотларга муносабат этиб, масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилаяпмиз. Кенгаш раиси, сенактор Хайрулла Ибрагимов бу борада бизга яқиндан ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Бошланғич ташкилот сай-ҳаракати билан мактаб ва маҳаллаларда турли мавзуларда кечалар, учрашувлардан бири бўлиб, унда таълим-тарбия жараёнидаги ютуқлар ва муаммолар ҳусусида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, партия фаолларининг куч-гайрати ва ташаббуси билан таълим тизимида ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида 51 та умумтаълим мактаби бўлиб, улар 22 минг 156 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган. Ёшларни маънан баркамол,



Еrsaин Лаханов, 1968 йилда туғилган. Маълумоти — олий. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Айни пайтда Куйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими муdiri, бошланғич партия ташкилоти раиси.

жисмонан соғлом тарбиялаш диққат-марказда турган масалалардан биридир.

— Инсон ўз устида тимисиз ишлаганда кўзлаган мақсадларига эришиши мумкин, — дейди партия фаолларидан бири, халқ маорифи аълочи-



си Махбуба Мухатова. — Айнакча, ўқитувчи учун бундан бошқа йўл йўқ. Унинг меҳнати игна билан кудук қазишдан

Фахр... Бу юксак туйғу ҳар бир зиёли инсон учун ниҳоятда азиз ва қадридлидир. Биз партия туман кенгаши раиси муовини Учкун Режаматов ҳамроҳлигида бошланғич ташкилот хонасини кўздан кечирар эканмиз, ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилганлигига амин бўлдик. Хона дид билан безатилган. Стол устида партия наشري — «XXI asr» газетасининг янги сонлари. Турли кўргазмалар воситалар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

— Тарғибот-ташвиқот масалаларида барча имкониятлардан фойдаланилапти, деб айтолмайман, — эътироф этади БПТ раиси. — Фаолиятимизни янада жонлантириш учун биринчи галда сиёсий

адабиётлар, қўлланмалар етишмайди. Турли учрашув ва тадбирлар давомида уларга катта эҳтиёж сезаяпмиз. Чунки бундай муҳим масалаларда ҳеч биримиз хато қилмаслигимиз керак. Шунингдек, аъзолар сафини кенгайтириш кун тартибидagi асосий масалалардан биридир.

Хозирги ислохотлар жараёнида олдинги сафда бўлиш осон эмас. Халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилоти аъзолари бунга ҳис этишади. Бинобарин, доимий изланувчанликни ўзлари учун доимий ишларга айлантириб, О`zLiDePнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш йўлида ўрнатилган бўлишмоқда.

Партиявий ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг гоёвий-сиёсий тайёргарлиги ва етакчилик салоҳиятига боғлиқ. Шу боис О`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши ижроия кўмитасида партия туман ва шаҳар кенгашларининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси вазифасига номзодларни танлаш ва ишга тайинлашга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган йиғилишда айнан ана шу масала муҳокама қилинди.

Маслаҳатчилар синовдан ўтмоқдалар

■ Олимжон ХУЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

Уни партия вилоят кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш бўйича етакчи маслаҳатчиси Гулназа Жўраева кириш сўзи билан очди. Иштирокчилар дастлаб вилоят кенгаши раиси Убайдулла Омоновнинг галдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги маърузасини тинглади. Сўнгра кенгаш ҳузуридаги сиёсий таълим маркази раҳбари Исмаилов Сулонов сиёсий партия тушунчаси, О`zLiDePнинг гоёвий-дастурий мақсадлари ва уларни ҳаётга татбиқ этишда партия фаолларининг вазифалари ҳақида гапирди.

Тадбирда ҳар иккала маъруза юзасидан музокаралар ва савол-жавоблар бўлиб ўтди. Навоийлик Жамшид Аннакулов, карманалик Гулбахор Ҳамидова, нуроталик Бехзод Содиков, қизилтепалик Анвар Азимов, хатирчилик Шавкат Эшназаров етарли даражадаги гоёвий-сиёсий тайёргарлик ва партия етакчисига зарур ижобий жиҳатларга эга эканликларини намойиш этишди. Уларни туман партия кенгашларининг бошланғич ташкилотлари билан ишлаш бўйича маслаҳатчилари вазифасига ишга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда О`zLiDeP вилоят ташкилоти ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Партия жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши — мустақил тараққиёт, Ватанимиз суверенитетини мустаҳкамлаш ишининг изчил ва оғишмасдан амалга оширилиши учун курашади.

О`zLiDeP Дастуридан

Илова учун масъулар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

«Қашқадарёэкстракция» ОАЖ

ЖАМОАСИ

Ҳаётимиз гулгунчалари — бири-бирдан ширин, жажжи эркакларни Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун билан чин дилдан қутлайди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг азиз ва бахтиёр фарзандлари! Талагимиз шуки, ҳеч қачон юзингизда гам, кўзингизда нам кўрмайлик.

Болали уй — бозор, боласиз уй — мазор, деган гая бор.

Хонадонларимиз ҳамisha сизларнинг беғубор кулгингизга, шўх-шодон қийқириқларингизга тўлиб турсин.

Озод ва обод Ватанда ўйнанг, куванг, яйраг, болажонлар!



Андижон вилоят ҳокимлиги қошидаги қурилиш-инжиниринг компанияси

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун муносабати билан серфарзанд халқимизни самимий муборакбод этади.

Оилаларимизга тотувлик, аҳиллик ва хотиржамлик тилайди.

Фарзанд тарбиялашдек эзгу ишда ҳеч қачон толманг, азиз юртдошлар.

Умрингиз меҳр-муҳаббатга, хонадонларингиз гўдак кулгисига тўпсин!



САЛОМАТЛИКнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди, чунки у йўқ жойда на фароғат, на ҳаловат бор

ЖАРАЁН

Қарздорлик масъулияти

Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Валихон Ҳақимовнинг таъкидлашича, биргина республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 250 ўринли Андижон филиалининг ўзига 1,5 млрд. сўм миқдоридан маблағ сарфланган

Бугун 2005 — Сихат-саломатлик йилида вилоятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, деб баралла айтиш мумкин. Натижада соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббий муассасаларда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти анча яхшиланди.

2006 йилнинг Юртбошимиз томонидан “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинганлиги эса вилоятимиз тиббиёт ходимларини ҳам беҳад мамнун этиш билан бирга бу соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштириш имконини ҳам кенгайтирди.

■ Валихон ҲАКИМОВ, Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Ҳозир вилоятимизда аҳолига 69 та шифохона, 406 та амбулатория-поликлиника муассасаси, 132 та фельдшерлик, 19 та соғломлаштириш пункти, 3 та болалар санаторийси ва бошқа муассасалар хизмат кўрсатмоқда. Уларда 5989 нафар олий тоифадаги врачлар, 22447 нафар ўрта тиббий ходим фаолият кўрсатмоқда. “Сихат-саломатлик йили” Давлат дастури ижроси бўйича бошқармаимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, дастурда белгилангандек, одамларда ўз соғлигини сақлашга тўғри муносабатда бўлиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш борасида жойларда қатор суҳбатлар, семинар ва конференциялар ўтказилди.

Тиббий хизматнинг яхлитлигини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Андижон давлат тиббиёт институти ва унинг клиникаси, тўртта тиббиёт коллежи, ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юрти, идоравий тиббиёт муассасалари, жумладан, Андижон темир йўл шифохонасининг узвий ҳамкорлиги таъминлайди. Вилоятда шошилич тиббий ёрдам тизими шаклланди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги собик клиник шифохона негизида республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг 350 ўринли Андижон филиали ташкил этилиб, унинг жиҳозланишига бюджет ва хомийлар ҳисобидан 1 миллиард 560 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Яхлит тизимнинг бўлиналари сифатида ҳар бир шаҳар ва туманда жами 405 ўринли 17 та шошилич тиббий ёрдам бўлими ишлаб турибди. Бу даргоҳларда малакали, ўз касби ва бурчиغا садоқатли шифокорлар ҳамширалар беморларга намунали хиз-

мат кўрсатмоқдалар.

Филиал том маънода илмий-амалий марказга айланди. Андижон давлат тиббиёт институти 7 та кафедрасининг филиал базасида жойлашгани ижобий самара бермоқда. Бу ерда бир қатор долзарб йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, олинаётган натижалар ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари сифатида амалиётга татбиқ этилмоқда.

2005 йил май ойида вилоятимизда юз берган факулдада вазиятда шикастланганларга берилган тиббий ёрдамнинг яқинчи натижалари эса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган шошилич тиббий ёрдам тизимининг яхлит, тўлиқ ҳажмли, юқори сифатли хизмат кўрсата оладиган ҳаётли тизим оқанлигини яна бир қарра исботлади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатида тиббий хизматнинг ташкил этилиши, кўрсатилган ёрдам қўламини ва сифатига юқори баҳо берилди. Вазирлик кўриқ-танловида филиал “2005 йилнинг энг яхши шифохонаси” номинацияси бўйича голиб деб топилди ҳамда унга 3,4 млн. сўмлик дорин-дармон ва тиббий жиҳозлар, 3 та “Газель”, 2 та “Дамас” русумли махсус санитария автомашиналари берилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадига 71,1 фоиз аҳоли қишлоқда яшашини ҳисобга олган ҳолда малакали тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, қўлай шарт-шароит яратиш, даволашнинг улар учун энг қўлай бўлган бирламчи хизматини ривожлантириш учун 5 босқичли тиббий хизмат тизимидан 2 босқичли тиббий хизмат тизимига ўтилди. Натижада аҳолига бирламчи тиббий хизматни ўрта махсус маълумотли мутахассислар эмас, балки олий маълумотли шифокорлар кўрсат-



та бошладилар.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисига 315 та КВП хизмат кўрсатмоқда, улардан 17 таси 2005 йили қурилиб, ишга туширилди. Махсус дастур бўйича чегара худудларидаги 22 та КВПни таъмирлашга 85 млн. сўм сарфланди ва 220 млн. сўмлик ускуна ва жиҳозлар олиб берилди. Вилоятнинг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастурида яна 33 та КВПни қуриш кўзда тутилган. 2006 йил якунида вилоят аҳолисига тўлиқ равишда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида “Саломатлик-2” лойиҳасига биноан, Жаҳон тараққиёт банки кредити асосида 279 та КВП кўшимча жиҳозланиши, уларнинг мустақил юридик шахс мақомида иш юрити бошлаши мақсадли бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қўлдам, балки хизмат таркиби ва даражасини кўтариш имконини беради. Аҳоли даволаши учун туман марказига қатнашига ҳожат қолмайди, бирламчи тиббий хизмат таркибида малакали маслаҳат, замонавий текширув, тўлиқ ҳажмли даволаш имконияти мавжуд бўлади.

Тизимда кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ҳам режалар ишлар олиб борилмоқда. Андижон давлат тиббиёт институтида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультети очилди. Бугунги кунда унинг 14 нафар битирувчиси тизимда амалий фаолият кўрсатмоқда, 11 нафари эса тиббиёт коллежларида дарс бермоқда. КВП ўрта тиббий ходимларини тайёрлаш мақсадида Андижон, Асака, Бўз

ва Хўжабод туманлари тиббиёт коллежларида махсус гуруҳлар ташкил этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш шу куннинг энг долзарб вазифасидир. Аёллар саломатлигини таъминлаш борасида режалар фаолият олиб борилган тгани яхши натижалар бермоқда. Бунга аёлларни тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказиш, умумий соғлиқни белгилаш, айнақса, туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликларни аниқлаб, рўйхатга олиш ва соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кирди. Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Яқиндан бошлаб вилоятда ўсимлар поликлиникаси ташкил қилинди, туғма хасталиқларни аниқлаш учун “Она ва бола скрининги” маркази ишга туширилди, ёшларни турмуш қуришдан олдин тиббий қуриқдан ўтказиш йўлга қўйилди.

“Соғлом онадан — соғлом фарзанд” тамойилини амалиётга татбиқ этишда туғиш ёшидаги аёллар ўртасида бемаврид хомилдорликнинг олдини олишда Германия Федератив Республикасининг КФБ банки маблағлари ҳисобига келтирилган 173,454 миң евролик контрацепция воситалари қўл келатганини айтмоқчиман. Аҳоли ўртасида темир танқислигига барҳам бериш учун ЮНИСЕФ ташкилоти ҳомийлигида таркибида темир моддаси бўлган дорилар аҳолига тарқатилди.

Бундан ташқари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида — қишлоқ тиббиётига алоҳида эътибор бериш, яъни КВП тизимини шакллантиришни яқунлаш,

уларни янги молиявий механизмга ўтказиш, малакали амалиёт шифокорлари билан таъминлаш, “Саломатлик-2” ва ЮНФПА дастурлари ҳисобидан замонавий жиҳозлар билан бутлаш, таъмирлаш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Бюджетдан ажратилган ва хомийлардан жалб этилган маблағлардан дори-дармон таъминоти ва беморларнинг парҳез овқатланишини яхшилаш учун самарали фойдаланиш масаласи ҳам диққат эътиборимизда. Амалиётга замонавий технологиялар ва илғор даволаш усулларини татбиқ этиш, кадрлар захирасини тўлдирish, муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи ҳам бирламчи вазифаларимиздир.

Бу борада бизга O'zLiDeP ҳам амалий ёрдамлар кўрсатаётганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга қаролатилган тиббий ёрдамни ташкил қилиш, ўсма касалликларини эрта аниқлаш, сил касаллигига қарши кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш, эндокрин касалликлар, айнақса, йод етишмаслиги, камқонлик билан хасталанган беморларни даволашни пухта йўлга қўйиш олдимишга қўйилган муҳим вазифалардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Андижон тиббиёт ходимлари меҳнатига давлатимиз раҳбари, халқимиз томонидан берилган юқори баҳонини ушбу вазифаларни тўла-тўқис бажариш орқалигина оқлашимиз мумкинлигини аниқ-равшан аниқлаб туришимиз.

Сўранг, жавоб берамиз.

Саволларга ҳуқуқшунос
З. ХУЖАЕВ жавоб беради.

Касаначи — эркин ишчи

— Юртбошимизнинг касаначиликни ривожлантиришга қаратилган қароридан кейин бу борада жуда кўп тадбирлар белгиланаяпти. Айтинг-чи, қандай шахслар касаначи ҳисобланади ва уларнинг меҳнати тартибга солишининг ўзига хос қоидалари нималардан иборат? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

М. ОБИДОВА. Фарғона шаҳри.

— Иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида иш бажаришни ўзининг яшаш жойида ёки ўз хоҳишига кўра бошқа турар-жой биналарида (аммо иш берувчининг ишлаб чиқариш жойларида эмас), иш берувчининг кўрсатмалари, топшириқларига биноан ва ким беришидан қатъий назар, ускуналар, асбоблар, материаллар ва бошқа ресурслардан фойдаланган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида амалга оширувчи жисмоний шахс касаначи ҳисобланади.

Касаначиларнинг иш вақти иш жадваллари ёки ички меҳнат тартиби қоидалари билан қатъий равишда бошқариб турилиши мумкин эмас, негаки, касаначилар ўз иш вақтларини ўзлари тақсимлайдилар. Бинобарин, иш вақтидан ташқари, шунингдек, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга Меҳнат кодексининг бундай ишлар учун оширилган миқдорда ҳақ тўлашга оид нормалари татбиқ этилмайди.

Компьютерда зўриқиб ишламанг

— Компьютер техникасида банд бўлган ходимларнинг иш кунини қандай аниқланади?

Н. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри.

— Компьютер техникасида ишловчиларга магнит майдони, ҳавонинг ионланганлиги, руҳий ва ҳис-ҳаяжонли зўриқиш, кўз толиқиши каби зарарли омиллар тасвир этиши мумкин.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартда қабул қилинган 133 сонли қарорига биноан электрон ҳисоблаш машиналари, видеотерминаллар ва электрон ҳисоблаш тизимларида бевосита банд бўлган ходимлар иш кунини 4 соатдан ошиши мумкин эмас. Бундан ташқари, санитария нормаларига биноан бир смена мобайнида ўзгарисиз такрорланган иш ҳаракатлари миқдори 40 мингтадан ошмаслиги керак.

Нолойиқ меросхўрлар ҳам бўладими?

— Кимларни васият ва қонун бўйича меросхўр деб ҳисоблаш мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

З. АҲМЕДОВА. Тошкент вилояти.

— Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, мерос қолдирувчининг ҳаёт пайтида ҳомилида бўлган ва мерос очилганидан кейин тирик тутилган болалар васият ва қонунга кўра меросхўр ҳисобланадилар.

Мерос очилган пайтда ташкил топган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин (Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси).

Қонун қариндошлик ришталари билан боғланган шахслар, мерос қолдирувчи томонидан номига васиятнома қолдирилган, вафот этганинг мулкчи ва мулк билан боғлиқ номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига қабул қилиб олувчилар меросхўрлар ҳисобланади.

Мерос олишга даъвогар бўлган шахсларни фақат суднинг ҳал қилув қарори билан нолойиқ меросхўр, яъни ворислик ҳуқуқига эга эмас, деб топиш мумкин. Бунда уларни меросдан четлатиш учун асос бўладиган барча ҳолатлар суд томонидан белгиланади (Фуқаролик кодексининг 1119 - моддаси).

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 30 июнь ва 3-4 июль кунлари ўтказилган наватдаги кимошди савдосига ташқи бошқарувчи тақдим этган қуйидаги мулкларни қўяди:

Сариосиё туманидаги “1-сон шағал саралаш заводи” масъулияти чекланган жамиятига қарашли автотранспорт воситалари:

1. “ГАЗ-5312” автомашинаси, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЖ 667. Бошланғич баҳоси — 413627 сўм.

2. “ЗИЛ-5312 Волгарь” автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЖ 662. Бошланғич баҳоси — 374234 сўм.

3. “ЗИЛ-5312” автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЖ 665. Бошланғич баҳоси — 354537 сўм.

4. “ЗИЛ-431412” автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЖ 668. Бошланғич баҳоси — 700979 сўм.

5. “ЗИЛ-5201” автомашинаси, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 АЖ 663. Бошланғич баҳоси — 549138 сўм.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Телефон: 222-81-09, 22-68-321. Харидорлар савдо бошланғичидан уч кун олдин ЎБА Сурхондарё филиали Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нарҳининг 10 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт. Ҳисоб рақами: 20208000404277899010. Ипотека банкнинг Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.

«2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ»

Байрамнингиз муборак бўлсин, азиз болажонлар! Шунинг унутманг-ки, сизлар ўзи емай едирадиган, киймай кийдирадиган, меҳр-мурувватли, саховатли, болажон халқнинг фарзандлари, ўсиб келаётган ёш авлод манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган инсонпарвар давлат дилбандларисиз. Бугунги байрам шодиёнаси ҳар доим давом этсин. Умрингиз узоқ, истиқболингиз порлоқ бўлсин!

Шўртан нефть-газ унитар шўъба корхонаси жамоаси

ҚУТЛОВ

ЭЪЛОН

ВАЗИЯТГА НАЗАР

ИСТАКнинг ўзи етарли эмас,
■ ҳаракат қилиш керак

Манзилга етмоқ осонми?

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўлсозлик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Равон манзиллар, замонавий кўприклар барпо этилмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида бу борада амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари йўлсозлари шаънига ҳам ана шундай фикрлар билдириш мумкин.

■ Анвар ХАҚБЕРДИЕВ, «XXI asr» мухбири

Аммо Самарқанд вилоятининг айрим ҳудудларидаги йўллар ҳақида бундай деб бўлмади. Алоҳида эътироф этиш керакки, Қашқадарё вилояти билан чегарадош халқаро аҳамиятга молик йўлда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилаёпти. Навоий вилояти билан чегарадош қадимий йўллар ҳам тартибга келтирилмоқда. Аммо вилоятдаги йўлларнинг аксарият қисми носоз, таъмирталаб. Масалан, Ўзбекистон катта трактининг Оқдарёдан Пахтачи туманигача бўлган қисмидаги носозликлар ҳайдовчиларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Афсуски, бунга ўхшаш мисоллар кўп.

Олтмиш тўрт километрга чўзилган Жомбой-Эшмоксок-Митан ҳудуди бўйлаб бир марта юрган киши "Йўл азоби — гўр азоби", деган ибора бежиз айтилмаганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Қўшрабод туманидаги Жўш ва Урганчи кишлоқларини боғлаб турувчи йўл ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Негаки, қачонлардир асфальтланган ўнқир-чўнқир йўл машинангиз туғул, ўзингизнинг ҳам бори-йўнгиғизни "қоқиб" қўлингизга беради. Бундай лоқайдлик ва эътиборсизликнинг сабаби нима? Ваҳоланки, 2004 йилда вилоятдаги мавжуд йўлларни таъмирлаш учун давлат ҳазинасидан 6,3 миллиард, 2005 йилда эса 9,3 миллиард сўм маблағ сарфланган. Бироқ аҳвол ўша-ўша: эски ҳаммом — эски тос. Эҳтимол, бу йил аҳвол яхши томонга ўзгарар? Негаки, таъмирлаш ишлари учун ҳар галгидан кўпроқ — 22 миллиард 331 миллион 700 минг сўм сар-



моя ажратилган. Кўриниб турибдики, маблағ етарли, режалар аниқ, Давлатимиз йўлсозлик тармоғини ришволатчилик ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳўш, унда содир этилаётган камчиликларнинг асосий сабаби нимада? Нарпай туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори Абдуғофур Норбоев масалага ойдинлик киритгандек бўлди:

— Таъмирланган йўлларнинг тез бузилишига асосий сабаб — ётқизиладиган асфальтнинг сифати паст. Вилоятдаги мавжуд 12 та асфальт заводларида тайёрланаётган маҳсулотнинг ярқоқлик коэффициенти-

ни тубдан яхшилаш лозим. Фикримизча, асосан Фарғона битумидан фойдаланган маъқул. Жарқўргондан келтириладиган битум асфальт учун ярамайди. Энг муҳими, иш жараёнида технология бузилмаслиги керак. Навоийлик ва қашқадарёлик ҳамкасбларимиз билан орамиздаги фарқ мана шунда. Бизда йўл технологиясига етарли эътибор берилмайди. Бу эса

тушаётгани рост. Шу ўринда яна бир маълумот. Битта автомобилнинг юриш қисмини сифатли таъмирлаш учун 200 минг сўм маблағ керак бўларкан. Ана шу автомобиль 80 минг километр масофага беникусон юриши керак. Маълумотларга қараганда, ўртача 20 минг машинанинг юриш қисмини таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисми содир олиш учун 4 миллиард сўм ёки 2 миллион АҚШ доллари миқдоридеги маблағ республикамиздан ташқарига чиқиб кетаркан. Ҳўш, йиллар мобайнида содир этилган бирорта авария ҳолатида йўлсозлар "айбдор" бўлган эмас, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳам бунини исбот қилишолмаган. Хуллас, ҳолвани ҳақим, калтакни етим еб кетаверади. Бу ҳам ўзига хос бир муаммо.

Сўзимизни яқунлар эканми, ҳамқишлоғимиз — кекса ҳайдовчи Самандар Исоқов билан бўлган суҳбат ёдга тушади. — Хар кимнинг виждони пок бўлиши керак. Майли, йўл асфальт бўлмасин, аммо ҳаракат учун хавфсиз бўлсин. Мана, Челак шаҳридаги ягона светофор беш йилдан буён ишламайди. Унинг атрофи киракашлар ва пистафурлар учун ўзига хос бозорга айланган. ДАН ходимлари эса ҳаммасини кўриб, кўрмаганга олишади.

Кўриниб турибдики, йўлсозлик тизимида оз бўлса-да ечимини қутаётган муаммолар бор. Шу йил учинчи март куни вақтли матбуотда давлатимиз раҳбарининг "Йўл-қурилиш ишлари ҳажми ва назоратини кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда белгиланган вазифалар тўла амалга оширилган, йўлларимиз янада раван бўлиб, муаммолар ўз ечимини топиши аниқ. Зеро, йўллар манзилларга элтади. Оиламиз бағрига эсон омон қайтиш эса, аввало, Яратганнинг иродаси ва йўлларимизнинг хавфсизлигига боғлиқ. Шунини асло унутмайлик.

иқтисодий жиҳатдан ҳам катта зарардир. Тажирибали йўлсознинг фикрларида жон бор, албатта. Қанча маблағ сарфланмасин, технология бузилса, бажарилган иш сифатсиз бўлиб қолаверади. Масалан, "Мелиотранс" кўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти томонидан 6 млрд, 328 миллион сўм маблағ эвазига яқинда барпо этилган Гулистон-Оқолтин йўлининг орадан бир йил ўтмасдан таъмирталаб бўлиб қолгани фикримизга далил бўлиши мумкин. Оқибатда йўловчиларнинг миллион-миллион пуллари давлат ҳазинасига эмас, балки киракашларнинг чўнтагига

Талабалар беллашди

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодий ва дипломатия институтига "Ким Хитойни яхши билади?" деб номланган танлов бўлиб ўтди. Унда мазкур таълим даргоҳида билим олаётган талабаларнинг икки жамоаси беллашди. Танлов якунида Галиб жамоа қимматбахо совға ва нуқсофотлар билан тақдирланди. Танлов доирасида, шунингдек, Хитой тарихи, бугунги кунни акс этган кўргазма ҳам ташкил қилинди. Унда асосий эътибор ўзбек-хитой алоқалари ривожига қаратилди. Танлов ва кўргазма ташкилотчиларининг сўзларига кўра, бундай тадбирларнинг ўтказилиши икки давлат халқларини янада яқинлаштиришга, бир-бирлари тарихи ва маданиятидан бохабар бўлишларига хизмат қилади.

Наманганда «Машрабхонлик» ҳафталиги

Наманган вилоятида Бобораҳим Машраб таваллудининг 366 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида "Анъанавий «Машрабхонлик ҳафталиги»ни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

■ Одиложон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

Шу йилнинг 22-27 май кунлари вилоятдаги барча шаҳар ҳамда туманларнинг ўқув муассасалари ҳамда меҳнат жамоаларида «Машрабхонлик» кечалари кўтаринки руҳда ўтказилди. Олий ўқув юрталари, коллеж

ва лицейлар ҳамда умумтаълим мактабларида ташкил этилган мазкур тадбирларда вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»га "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлик қилди. Жумла-

дан, Бобораҳим Машраб таваллудининг 366 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ҳаракатнинг Наманган шаҳар бўлими кенгаши бир қатор мактабларда «Машрабхонлик» кечасини уюштирди.

Айниқса, Наманган шаҳридаги Санъат коллежидега ўтказилган ҳудди шундай тадбирда талаба-ёшлар жуда фаол иштирок этдилар. Кеча буюк шоир меросига авлодлар ҳурмат-эътиборининг ёрқин намоишига айланди.


«Менинг меҳрибон шифокорим!»

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида "Менинг меҳрибон шифокорим!" мавзuida кўргазма-танлов бўлиб ўтди. "Соғлом авлод учун" нодавлат халқаро хайрия жамғармаси, украин, поляк маданият марказлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод туман бўлими каби қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари тақлиф этилди.

■ Н.УСМОНОВА, Ўза мухбири

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган ушбу кўргазмага уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг юздан зиёд расми танлаб олинди. Уларда болаларнинг меҳрибон шифокорлар, тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳақидаги самимий ва содда тасаввурлари ўзига хос тарзда акс эттирилган.

Тадбирда "Менинг меҳрибон шифокорим!" танлови ғолибларига эсдалик совғалар топширилди. Иштирокчиларга цирк усталари, мусиқа ва рақс жамоаларининг дастурлари намойиш этилди.



Сочи «оқарган» иншоот

Мирзо Улуғбек тумани мутасаддилари диққатига

Ҳаётда шундай ғаройиб манзараларга дуч келасизки, беихтиёр "Гиннеслар китоби"га киритса бўларкан", деган хаёлга борасиз. Айтилик қурувчилар икки ой давомида муҳташам бино тиклашса, сўнг уни ўз ҳолига ташлаб қўйишса... Афсуски, жойларда бунга ўхшаш мисоллар учраб туради. Қанча маблағ, қанча хом ашё кетгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

■ Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr» мухбири

Биз тилга олмоқчи бўлган чала иншоот балки "Гиннеслар китоби"дан жой оломай. Гап бошқа ёқда. Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Юнакий мавзесидаги ушбу иншоотнинг "ёши" тахминан 10-12 йил. Яна ким билади, дейсиз.

Биз масалага ойдинлик киритиш мақсадида яқин атрофдаги уйларда истиқомат қилувчи фуқароларга мурожаат қилдик. Уларнинг бири қўйиб, иккинчиси "изоҳ" бера бошлади.

— Менимча, 6-7 йил бўлди-ёв...
— Қанақа 6-7 йил? Қанақа ўн йил, деяверинг.

— Шахсан мен аниқ билмайман, қўчиб келганимга 5 йил бўлди, ўшанда ҳам худди шундай аҳволда эди, - эътироз билдирди учинчи киши.

Хуллас, суҳбатдошларимиздан аниқ бир жавоб оломадик. Иншоотнинг қандай мақсадда, нимага мўлжаллаб қури-

ла бошланганлигини ҳам ҳеч ким билмайдди. Биров "дўкон деса, иккинчиси, йўқ, спорт зали бўлиши керак эди", дейди. Нима бўлганда ҳам бир нарса аниқ: ишда лоқайдлик ва совуқонликка йўл қўйилган.

Акс ҳолда аҳвол бу даражага бормаган, иншоот атрофи ахлатхонага айланмаган бўлар эди. Ҳаёлингиздан беихтиёр турли саволлар ўтади: "туя" гўшти еган иншоот учун ким жавоб беради? Агар тегишли маблағ мутасаддиларининг чўнтагидан чиққанда, шундай масъулиятсизликка йўл қўйилармиди?

Халқимизда "Қолган ишга қор ёғар", деган нақл бор. Сочи «оқарган» мазкур иншоот яна неча кишини кўраркан. Бугега албатта Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг кунт ва ҳафсаласига боғлиқ. Айтинг-айтинг, ишқилиб бу сафар улар билиб билмаганга, кўриб кўрмаганга олишмасин-да!..

Қадимий ва навқирон илм даргоҳи

Шу ҳафтада Ўзбекистон тарихи давлат музейида Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда шарқшунос, манбашунос, адабиётшунос, файласуф ва тарихчи олимлар, етакчи олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда илм-фан тараққиётини юксалтириш, буюк аждодларимиз меросини тақдир этиш, мамлакатимиздаги қадимий илм даргоҳларининг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Президент Ислом Каримовнинг "Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги 1997 йил 11 ноябрдаги Фармониға мувофиқ Хивада Ўзбеки-

стон Фанлар академиясининг минтақавий бўлими сифатида Маъмун академияси иш бошлагани шундай эзгу ишлар сирасидандир. Шу кунларда мазкур қадимий илм даргоҳининг 1000 йиллигини нишонлашга кизгин тайёргарлик қўйилаётди.

Анжуманда таъкидланганидек, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида олимларимиз Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиш жараёни, уша даврда фаолият

юритган алломаларнинг илмий ва ижодий фаолиятини ўрганиш мақсадида кенг қўламли илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бундай изланишлар самараси ўлароқ, қатор илмий рисоалар, махсус монография чоп этилди. Шунингдек, ушбу қадимий илм даргоҳининг ўтмиши ва бугунги акс этган ҳужжатли филм суратга олинапти.

Анжуманда Хоразм Маъмун академиясининг Марказий Осий, Яқин ва Ўрта Шарқ тарихидаги ҳамда ўрта аср фани ва маданияти ривожигаги ўрни, қадимда ўтган алломалар қолдирган бой меросининг бугунги кундаги аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди. Тадбир чоғида ташкил этилган кўргазмада Хоразм Маъмун академиясининг ўтмиши ва бугунини оид фотолава ҳамда археологик топилмалар намойиш этилди.

**НАРСАЛАРНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ ҚАЛБДАГИ,
ФИКРДАГИ ВА ИЛМДАГИ НАРСАЛАРНИНГ
МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ ДЕМАҚДИР**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

РОССИЯ-ЕВРОПА ИТТИФОҚИ

Парда ортида ким бор?

**МАРКАЗИЙ ВА ШАРҚИЙ ЕВРОПАДАГИ АЙРИМ
ДАВЛАТЛАР ҲАМОН ОКЕАНОРТИДАГИ РАҲНАМОЛАРИ
ҚОШ-ҚОВОҒИГА ҚАРАЁТГАНИ, МДХ ХУДУДИДАГИ
«РАНГЛИ ИНҚИЛОБ»ЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАНИ
РОССИЯ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МУНОСАБАТЛАРИДА
САЛБИЙ ИЗ ҚОЛДИРМОҚДА.**

Америкалик сиёсатчилардан бири дунёнинг энг қудратли давлатларидан бўлган Россияни назарда тутиб, уйқуда ётган айқини уйғотманг, акс ҳолда ёмон бўлади, деганида минг қарра ҳақ эди. Дарҳақиқат, XX асрнинг 90-йиллари охиригача Кремль тутган сиёсат қатор мамлакатлар томонидан маъқулланди, унинг гўёки халқаро мавқеларини бирин-кетин бой бераётгани АҚШ ва Европага бирдек ёқиб тушди-ки, бу том маънода улар кўнглидаги иш эди. Лекин инсон ҳуқуқлари ва демократия баҳонаси билан Россиянинг ички ишларига турли иддао ва усуллар билан аралашавериш, халқаро майдондаги манфаатларини оёқости қилавериш уйқудаги айқиннинг уйғонишига олиб келди, дейиш мумкин.

■ Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Катта тортишувлар келтириб чиқарган, манфаатлар тўқнашган Сочи саммити ҳам ана шу фикрни исботлашга ҳизмат қилиши шубҳасиз. Саноати тараққий этган давлатлар раҳбарлари учрашувида энергетика мавзуси устувор аҳамият касб эттиши боис, халқаро кузатувчилар Россия ва Европа Иттифоқи раҳбарларининг Сочидаги саммитига "катта саккизлик" учрашуви олдидидаги сиёсий имтиҳон, дея баҳо бердилар. Аслида эса Россия ва Европа Иттифоқи анчадан бери бир-бирларини стратегик ҳамкорлар деб билишадди. Бундай шерикчиликнинг амалга оширилиши учун томонлар тўртта умумий макон деб аталмиш концепция ишлаб чиқардилар. Бирок ана шу муҳим ҳужжатда баён этилган тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш амалиёти барча соҳаларда мураккаб тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун катта куч ва вақт талаб этишини кўрсатди. Бошқачароқ айтганда, "қўнча қилъа" ҳозирча Россияни катта Европанинг бир қисмига, ўзининг ишончли ҳамкорига айланганини истамётгандек туюлмоқда.

Маълумки, Пётр I оған туйнук Россияни Европага яқинлаштирган бўлса-да, аммо икки геосиёсий гигант ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этолмаганди. Собик иттифоқ парчаланиб, Москва Фарба юз очгач, Россия ва қўнча қилъанинг яқинлашуви онлари етиб келгандек ва Шарл де Голл орзу қилганидек, Атлантикадан Уралгача қўзилган улкан худудда "катта Европа" оиласи бунёд этиладигандек туюлганди. Бирок кузатувчиларнинг фикрларича, бу орзунинг амалга ошириши осон бўлмапти. Бунга, бир томондан, Европанинг собик иттифоқ маконидан Москваникидан фарқли манфаатлари ётганлиги бўлса, иккинчидан, ташкилотга янги қабул қилинган аъзоларнинг америкапараст йўл тутётганликларидан сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай, икки томон расмийлари 2002 йилда Россия - Европа Иттифоқининг Санкт-Петербургдаги саммитида тўрт макон — иқтисодий, ички хавфсизлик ва одил суд, ташқи хавфсизлик, фан, таълим ҳамда маданияти соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш госяни илгари сурган ва 2003 йил ноябрдаги Рим учрашувида тасдиқлаган эдилар.

Тан олиш керак: мураккаб бўлса-да, ҳар иккала томон ҳамкорлиги, айниқса, савдо-иқтисодий алоқалар қизғин тус олмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама савдо ҳажми 2,5 баробар ошгани ҳолда 2003 йили 85 млрд. долларни ташкил этгани фикримизни тасдиқлаши мумкин. Лекин айрим мутахассислар мавжуд кўрсаткичлар икки томон имкониятлари даражасида эмаслигини, кутилганидан анча паслигини таъкидламоқдалар. Мана бир мисол: 2004

йилда қўнча қилъанинг Россияга экспорти 5 фоизни, импорт эса 8 фоизни ташкил этди, холос. Европадаги аксарият йирик компаниялар учун Россия бозори ҳамон иккинчи даражали аҳамият касб этаётгани ҳам кузатувчилар эътиборидан четда қолмапти. Айни пайтда Москва анчадан бери ҳажми 10 трлн. долларга етадиган Европа бозорига янада кўпроқ кириб боришга ҳаракат қилапти. Бирок Европа бозоридан ўз ўрнини топиши мумкин бўлган қора ва рангли металлургия, ҳарбий анжонлар, тайёр кийим ва пойафзал маҳсулотлари турли тўсиқларга дуч келапти. Чунки бугунги кунда Россия маҳсулотларига нисбатан Европа Иттифоқининг 20 дан ортиқ антидемпинг чоралари қўлланилмоқда. Балки Россиянинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши билан бундай тўсиқлар бартараф этилар. Дарвоқе, Иттифоқ расмийлари Сочи саммити давомида айни ҳол юз бериши билан эркин савдо худуди жорий этилиши мумкинлигини ҳам таъкидламоқдалар.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани тилга олиш керак. Икки томонлама умумий макон доирасидаги энг мураккаб масала, бу ички хавфсизлик масаласидир. Айни макон мамлакатдан мамлакатга эркин бориб-келишга уринаётган, аммо чегара постлари ҳамда виза тўсиқларига дуч келаётган юз минглаб кишилар тақдирини билан боғлиқдир. Бу тўсиқни бартараф этишга эришилди ҳам, дейиш мумкин. Чунки яқиндагина Европа Иттифоқи расмийларидан бири Бенито Ферреро Валднер хоним россияликлар учун визанинг ягона қиймати 35 евро атрофида белгиланишини маълум қилди.

Икки томонлама шерикчиликнинг учинчи йўналиши — хавфсизлик ва мудофаа маконини барпо этиш йўлида ҳали жуда кўп келишмовчилик мавжудлигини кўрсатмоқда. Яқин Шарқ моjarосини барқарорлаштириш, Европанинг АҚШдан мустақил мудофаа ва хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш соҳалари бундан мустасно, албатта. Чунки мустақил сиёсат Европада Вашингтон таъсирининг камайишига, Болкондаги каби моjarоларнинг қўнча доирасида ечилишига имкон беради. Бирок Европа Иттифоқининг Марказий ва Шарқий Европадаги янги аъзолари ҳамон океанорти мамлакатининг қош-қовоғига қараб сиёсат юритаётгани, АҚШ ҳарбий базаларига жой бераётгани, МДХ худудидаги "рангли инқилоб"ларни қўллаб-қувватлаётгани Россия ва Европа Иттифоқи муносабатларида салбий из қолдиришнинг унутмаслик лозим. Собик иттифоқ маконидagi Днестрбўйи, Жанурий Осетия, Абхазия муаммоларини ҳал қилиш борасида Москва мавқелини инкор этиш, Андихон воқеаларига нисбатан қўш стандартлар нуктаи назарини ёндашуви, яъни ташқи хавфсизлик маконида илгари сил-



жишнинг йўқлиги аксарият кузатувчилар фикрича, Европага қимматга тушиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, Россия ва Европа Иттифоқининг Сочи саммитида ана шундай муаммоларнинг барчасига ечим топилди. Фақат энергетика соҳаси бундан мустасно. Гап шундаки, Москва — "Газпром"нинг Европадаги мавқеи мустаҳкамланиши тарафдори. Россия раҳбариятининг фикрича, газнинг муттасил етказиб берилиши глобал иқтисодий тараққиётни барқарор таъминлаш имконини беради. Европа Иттифоқи вакиллари эса Москванинг Энергетик хартияга қўшилишини талаб қилмоқдалар. Мазкур ҳужжат Фарб компанияларининг Россия газ қонлирида ишлатилиши ҳамда уларнинг "Газпром" қувурларининг экспорт тармоғига қўшилишини назарда тутди. Бу билан улар Европага етказиб бе-

риляётган газ нархи устидан Россия билан биргаликда назоратни ушлаб туришга эришмоқчи бўлаётганликларини айтишга ҳоҳаж бўлмас керак. Европа Иттифоқи раҳбарлари билан учрашувда Владимир Путин адолатли фикрни ўртага ташлади. "Москва халқаро майдонда ўзи лозим деб топган услублардан фойдаланади. Жавоб қадамлари ташланмагунча, Россия Фарб компанияларини ўз энергетикасига йўлатмайди". Агар ёдингизда бўлса, ўз манфаатлари учун кураш олиб бораётган Россияни энергетикадан қўшни давлатлар, жумладан, Украинага босим кўрсатиш қуроли сифатида фойдаланганликда айбланганди. Учрашувдан кейинги матбуот анжумани чоғида Владимир Путин ана шу масалаларга яна бир бор тўхталиб, "Россия қачонки, ўз манфаатлари учун курашса, бошқа мамлакат-

ларга ўшама мақсадларига эришиш йўлида мақбул услубларни қидиради. Қимматдор бу ҳол норозилик уйғотиши галати. АҚШ ўз манфаатларини ҳимоялаш учун қандай усул ва воситаларни қўллаётганини кўриб турибмиз-ку", деди.

Дарҳақиқат, Россия ва Украина ўртасидаги газ тортишувида АҚШ ва Европа асоссиз равишда аралашгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Вахोलанки, Украина президенти Виктор Ющенко эришилган газ келишуvidан қониқтиш хосил қилганини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, Европа давлатлари минг кубметр газни 250 доллар микдоридан харид қилаётган бир пайтда Украинага Россия газни 230 АҚШ долларидан сотилапти. Европадаги эркин бозорларда эса минг кубметр зангори олов 1000 доллар, Буюк Британияда 1200 доллардан сотилаётганини эътиборга олсак, "газ" масаласи замирида қандай мақсадлар яширингани яққолроқ кўзга ташланади. Шу ўринда Россия ва Украинанинг газ моjarосига муносабат билдирган Австрия канцлери Шосселнинг "Энергетика соҳасидаги келишмовчиликлар хусусида жуда кўп ёзилди. Келинг, аниқ айтилик, нефть ва газ сотиш сиёсат эмас, балки бу тоза тижорий фаолиятдир. Мазкур механизм талаб ва тақлифга қараб йўлга солинадиган гапларини яна бир бор ёдга олиш ўринлидек туюлади. Бирок Европа Иттифоқи раҳбарларининг Сочи саммитида илгари сурган талаблари, Фарб матбуотида Украина иқтисодий вазири Яценюкнинг газ масаласида АҚШ ва Европани Москвага босим кўрсатишга қаратилган чақириларининг чоп этилиши хануз қўш стандартлар сиёсатидан воз кечилмаётганини, "Газпром"нинг Европа бозоридан эркин фаолият юритишига қарши бўлган қўллар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Фарбдаги аксарият давлатлар аслида Украинага эмас, балки ўзларини ўйлаётганлари учун ҳам Россиянинг Энергетик хартияни ратификация қилишини хохламоқдалар. Бундан эса Европа Иттифоқининг ўз газ қонлири ва магистрал қувурлари бўлмагани ҳолда, 90-йиллар бошида тайёрланган ҳужжат асосида Россия фойдасига тенг шериклик назарда тутилмоқда. Лекин халқаро майдонда тобора оубр-эътибори ва нуфузи ортиб бораётган Россия бундай талаб ва тақлифларнинг барчасини рад этди. Энди бу мавзунинг давоми "катта саккизлик"нинг Санкт-Петербургдаги учрашувида қолди, дейиш мумкин. Унчага Фарб ана қандай "уйин"лар ўйлаб топади, бунга эса вақт кўрсатади, албатта.

Учлар иттифоқи Америкага қарши



Куни-кеча Боливия, Венесуэла ва Куба АҚШнинг империявий сиёсатига қарши кураш мақсадида Учлар иттифоқи тузилганлигини эълон қилдилар. Венесуэла президенти Уго Чавеснинг таъкидлашича, Америка империясининг инқирози XXI асрдаёқ ниҳоя топади.

Кубанинг ўзгармас етакчиси Фидель Кастро шахсан Боливияга ташриф буюролмаган бўлса-да, Эво Моралес ва Уго Чавес иштирокидаги учрашувга озодлик оролидан вице-президент Карлос Лаха етиб келди. Утган йилнинг май ойида Куба ва Венесуэла Американинг эркин савдо худудини барпо этиш госяига қарши "Лотин Америкаси мамлакатлари учун боливарча танлов" номи остидаги ташкилотни тузган эдилар. Энди мазкур ташкилотга Боливия президенти Моралес ҳам аъзо бўлишга қарор қилди. Бу галги саммитда ҳам, аънаанага қўра, Америка таҳдиди марказий ўринни эгаллади. Жаноб Чавес, агар Вашингтон иттифоқчилардан бирига қарши куч ишлатилиши мўлжаллаб турган бўлса, унга кескин қаршилик кўрсатилиши хусусида оғохлантирди. Яқин вақтларда АҚШга нисбатан душманона кайфиятда бўлган уқлик тўртликка айланиши ҳам мумкин. Яна уч кундан кейин Перуда президентлик сайлови бўлиб ўтади. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳокимиятга подполковник Олянтто Умаланинг келиши кутилмоқда. Ҳарбий номзоднинг ўзи мамлакатга инқилоб олиб келиши, хорижий инвестициялар оқимини чеклаш, хусусийлаштириш жараёнларини эса қайта кўриб чиқиш, қазиб чиқарувчи тармоқларни давлат ихтиёрига олишни ваъда қилмоқда.

ИНДОНЕЗИЯ



Ява фожиаси

қурбонлари сони 5 минг 800 дан зиёдни ташкил этмоқда

Ўтган шанба куни Индонезия яна табиий офат нишонига айланди. Шу куни эрталаб кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллга тенг зилзила Ява оролини бутунлай вайрон қилди. Дастлабки маълумотларга қўра, зилзила қурбонлари сони беш минг саккиз юз кишига етган.

Сўнгги бир ярим йил ичида мазкур, яъни учинчи кучли зилзила Ява ороли жанубида жойлашган Жокьякарт ва Бантул шаҳарларига катта талофат етказди. Кучли ер силкинишлари кўп миллионли аҳоли истикомат қиладиган Жокьякарт ва унинг атрофидаги бутун бошли маззеларни ер билан яқсон қилди. 690 мингга яқин фуқаро бошпанасидан айрилди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари сўзларига қўра, юзлаб турар-жой ҳамда давлат муассасалари бинолари вайрон бўлган. Vesti.ru сайтида ёзилишича, табиий офат оқибатида қурбон бўлганлар сони 20 минг нафарга етиши мумкин. Расмий ва норасмий манбалар ҳам қурбонлар сони ортишини инкор этаётгани йўқ. Чунки вайронлар остида яна юзлаб одамлар ётибди, уларни қутқариш имкони ва илинжи соат сайин камайиб борапти. Хорижий давлатлар ва халқаро гуманитар ташкилотлар Индонезияга ёрдам кўрсата бошлади. Айни пайтда ҳукумат табиий офат ортидан гуманитар инқироз бошланиб кетиши мумкинлигидан ҳам ташвишга тушмоқда. Чунки табиий офат худудида дори-дармон, озиқ-овқат ва ичимли сув тақчиллиги юзага келмоқда. Жокьякарт аҳолиси бошига яна бир кулфат ёғилиши ҳеч гап эмас. Гап шундаки, ушбу шаҳарнинг нақ биқинида яна бир офат манбаи-Мерапи вулкони таҳдид солиб турибди. Чунки сўнгги пайтларда ушбу вулкон ҳаракати анча кучайгани кўзга ташланмоқда.

2004 йилнинг 26 декабрини индонезияликлар ҳамон ваҳима билан эслайдилар. Уша куни юз берган 9,3 балли зилзила ва унинг ортидан содир бўлган қирғинбарот цунами 300 мингга яқин фуқаронинг ёстигини қуритган эди. Умуман Индонезия замини кейинги икки йилни фожиалар билан қарши олди. Утган йилнинг 28 мартда ҳам рўй берган 8,7 балли ер силкиниши икки мингга яқин одамнинг умрига зомин бўлганди. Олимлар ҳарчанд уринмасинлар, бундай янгли табиий офатларни олдиндан аниқлашга оқимлик қилмоқдалар.

АҚШ

Ўсмирлар қийноққа солинган

The Independent ана шундай хулоса чиқармоқда



Гуантанамо қамоқхонасидаги 60 нафарга яқин маҳбус қўлга олинган чоғда ҳали 18 ёшга тўлмаган эди, дея хабар беради Британиянинг The Independent газетаси.

Маҳбуслар рўйхатини ўрганган Британиядаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Reprieve гуруҳи ана шундай хулосага келди. Мазкур рўйхат яқинда жамоатчилик босими остида АҚШ мудофаа вазирилик томонидан эълон қилинган эди. Ҳозирги кунда Гуантанамода қолаётган ўнга яқин маҳбус 14-15 ёшларда ушланган. Шунга қарамай, ўсмирларга ёши катта маҳбусларга қўлланилган яқка камераларда сақлаш, сўроққа тутиш ва қийноққа солиш усуллари қўлланилган. Британия ҳукумати вакиллари газетарга маълум қилишларича, АҚШ воғая етмаган ўсмир маҳбусларни алоҳида мажмуада сақлашга ваъда берган эди. Бирок Қўшма Штатлар ҳозиргача мазкур мажмуага тушган 3 нафаргина маҳбус ҳақида хабар берган, холос. Reprieve ташкилоти директори Клайв Стэффорд Смитнинг сўзларига қараганда, болаларнинг ёши катта маҳбуслар билан бир қамоқхонада сақланиши инсон ҳуқуқлари ҳақидаги барча конвенцияларга, шунингдек, АҚШ қонунларига ҳам зиддир.

ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР

ХАБАРЛАР

СЎНГГИ САҲИФА

САВОДЛИЛИК билимларнинг кўп-озлигида ҳам эмас, балки билганларни тўла англаш ва татбиқ эта билиш санъатидир

ШАХМАТ

Ҳали имкониятлар бор

Италиянинг Турин шаҳрида бўлиб ўтаётган шахмат бўйича Бутунжаҳон Олимпиадаси қизгин паллага кирди

Маълумки, туринликлар жорий йилда бир-икки эмас, учинчи марта Олимпия ўйинларига мезбонлик қилмоқдалар. Йил бошида қишки Олимпия ўйинлари, кўп ўтмай ногирон спортчилар ўртасида Паралимпиада баҳсларини ташкиллаштирган Турин шахри мутасаддилари баҳорда ҳам, ёзда ҳам кўл қовуштириб ўтирмаптилар.

Шухрат ХУЖАЕВ

20 май куни мазкур шаҳарда юксак тафаккур эгалари бўлиши шахматчиларнинг XXXVII Олимпия баҳсларига старт берилди. Эътиборли томони шундаки, ташкилотчилар аввалги икки мусобақада бўлгани сингари ҳозир ўтаётган Олимпиадага ҳам қизгин тайёргарлик кўрганликларини амалда намойиш этмоқдалар. Айтилик: шахрнинг барча кулайликларга эга бўлган спорт мажмуасида бирдан юзлаб спортчиларнинг донна суришлари учун имконият яратилиб берилган бўлса, матлар ҳақидаги маълумотлар расмий интернет сайти орқали тинимсиз равишда дунёнинг барча давлатларига узатилиб турибди.

Хотин-қизларимизга тўхталадиган бўлсак, республикамиз биринчилигида беш марта ғолиблик шохсупасига чиққан тошкентлик Ольга Собирова, Самарканд давлат университети талабалари, олимпия Ирода (Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони) ва Шаҳноза Хамроқулвалар ҳамда Жиззах шахмат мактаби вақиласи, 2005 йилги жаҳон чемпионатида 16 ёшгача бўлган ўсмир-



қизлар ўртасида бронза медални қўлга киритган Юлдуз Хамроқулвалардан иборат жамоамиз сўнгги турда Перу терма жамоасини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этиб, 12,5 очко тўпладди.

Пешқадмлар ҳақида гапирар эканмиз, эркаклар ўртасидаги баҳслар давомида қўтилмаганда тўққиз учрашудан иборат мағлубиятсиз матлар (сақизта галаба ва битта қуранг) "занжири"ни ясаб, бу борада ҳеч кимга имконият бермаётган Арманистон терма жамоаси вақилларини қўлга киритаётган натижаларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Сўнгги турда украиналик шахматчиларни 2,5:1,5 ҳисобида доғда

қолдириб, 26,5 очко тўплаган арманлар ҳозир яқка пешқадм бўлиб туришибди. Иккинчи поғонага 9-турда Грузия термасини йирик — 4:0 ҳисобида мағлуб этган хитойликлар кўтарилиб олишган бўлса, Россия терма жамоасидан 2,5:1,5 ҳисобида устун келган Франция термаси 24 очко тўплаб, 3-ўринни банд этди. 4, 5 ва 6-ўринларни банд этиб турган Россия, Украина ва АКШ терма жамоаларида ҳозирча (10-турга қадар) 23,5 очко бор.

Аёллар терма жамоалари жадвалини ҳозирча Россия (20,5 очко) шахматчилари бошқариб турибди. Кейинги ўринларни тегишли равишда Ук-

ОБ-ХАВО

1-8 июнь кунлари республикамизнинг шимолӣ ва жанубий ҳудудларида қуруқ, Фарғона водийсида ва бошқа вилоятларнинг тоғолди туманларида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Жумладан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда етти кун мобайнида ҳаво ҳарорати кечаси +17+19, кундузи +34+36 даражани ташкил этса, жанубий вилоятларда, ҳаво очик, кундузи +36+38 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Фарғона водийсида ҳаво булутли, кунора ёмғир ёғди. Ҳаво ҳарорати кечариси +18+22 ни ташкил этса, кундузи +32+34 даражадан ошмайди. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг айрим ҳудудларида кейинги ҳафтанинг чоршанба кунинда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати ёмғир ёққан ҳудудларда кечаси +14+16, кундузи +26+28 даражача тушиб кетиши мумкин.

Тошкентда бутун ва яқин кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилса-да, бошқа кунлар қуруқ об-ҳаво шароити кузатилади. Ҳаво ҳарорати кечаси +18+20, кундузи +30+35 даражани ташкил қилади.

ФУТБОЛ


Украина терма жамоаси «юлдуз»и Англияда

Европанинг энг яхши футболчисига бериладиган "Олтин тўп"нинг 2004 йилдаги соҳибни, украиналик А. Шевченко Англиянинг энг бой футбол клубларидан бири — "Челси"да тўп сурадиган бўлди.

Санокли кунлардан сўнг бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати соҳиб иттифок республикаларидан фақат Украина терма жамоаси йўл олганидан кўпчилик спорт ихлосмандлар хабардор. Утган жумлада мазкур жамоанинг етакчиси Андрей Шевченко қадрдон бўлиб қолган "Милан" футбол клубидан кетишини эълон қилди. Шунинг ўқазилган матбуот анжуманида "Милан" вице-президенти Адриано Галлиани ва Шевченко журналистларнинг саволларига жавоб берар эканлар, Андрей

клубни "оилавий шароитига кўра" тарк этаётганини айтган бўлса, жануб Галлиани икки суперклуб, яъни "Милан" ва "Челси" раҳбарлари ўртасида ўзаро музокаралар ҳали якунланмаганини маълум қилди.

Хориж ОАВда хабар берилишича, Шевченко ўзи ва оиласи учун Италияда инглиз тилида бемалол сўзлашишга яхши шароит яратилмагани сабабли Англияга кетиши лозим деб топган. Зеро, "юлдуз" ва унинг рафиқаси америкалик модель — Кристиан Пазик аввал ҳам бир неча марта фарзан-



длари — бир ярим йил Жорданнинг инглиз тилида муомала қилган ҳолда ўсиб-ўлғайиши учун қўлай имконият пайда эканларини айтишганди. Шубҳа йўқки,

Лондоннинг "Челси" жамоаси раҳбари Роман Абрамович Шева ва унинг оиласи сураган нарсаларнинг барчасини муҳайё қилишга қодир.

Республика Кўчаси мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — ақин бизнес ҳамкорингиз!
Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташкил этилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.У. Раҳимов кўчаси, 1а уй
Телефонлар: 399-80-26, 399-80-28, 399-80-23.
Факс: 136-26-26. Web sayti: www.rkmb.uz

«Кўчаси мулк кетмас давлат»
FEBP Oltin medali Geneva 2005
«TOSHKENT YOG-MOY-KOMBINATI» OAJQK

Моя мечта
TOSHKENT YOG-MOY-KOMBINATI OAJQK
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИПАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА
«Ўзбекобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.
Манзил: Фарғона вилоятининг Кува туманидаги «Бекобод» қишлоғи.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101

Лучшее для Вас от «To'htaniyoz-ota»
TOSHKENT YOG-MOY-KOMBINATI OAJQK
TOSHKENT YOG-MOY-KOMBINATI OAJQK

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси таниқли журналист Малоҳат ЙЎЛДОШЕВАга отаси Нишонбой отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

5-11 июнь
Кўй. Ҳафта давомида бир ўзингиз ҳаддан зиёд катта ҳажмдаги ишларни бажаришга муваффақ бўласиз. Кўзда тутилган муҳим учрашувлар ижобий яқун топсин, десангиз, уларни ҳафтанинг чоршанба ёки жума кунига белгиланг.

Бўзоқ. Икки-уч кун оилавий ташвишлар билан овера бўлиб қолсангиз-да, ҳафта охиригача иш жойингизда йиғилиб турган барча топшириқларни "беш" қиласиз. Қийналиб қолган дўстларингизга ёрдам бериб, орадаги муносабатларни мустаҳкамлашга эришасиз.

Эғизаклар. Келаси ҳафтада ўзингизга "Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни" шioriни байроқ қилиб олинг. Ана шунда эркаклар митти "Тико", аёллар эса оддий кўл тикув машинаси ёрдамида "КамАЗ" юк автомобилни ва сўнгги русумдаги "Зингер" машинаси ҳам эплай олмайдиган ишларни дўндириб ташлашари мумкин.

Қисқичбақа. Молиявий томондан озгина қийналиб қолишингиз мумкин. Аммо оянинг 10-санасидан у ёнгина ишингиз юришиб кетиши кутилмоқда. Соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларни безътибор қолдирманг.

Арслон. Тўри, кўнглингиз бўш. Аммо аввал сизни алдаб кетган фарибгарга яна ишонч билдиришингиз мутлақо мантқиққа тўғри келмайди. Шундай экан, ўша лўғтибоз "соғлиги ёмонлашиб, дориға пул топа олмайётган" бўлса ҳам, ўз ҳақингизни талаб қилинг.

Паризод. Янги танишлар орттириб, шахсий ҳаётда катта галабаларга эришингиз кутилмоқда. Сешанба кун катта зиёфатда бўласиз. Дам олиш кунлари анчадан буён режалаштириб қўйган харидларни амалга оширасиз.

Тарози. Кетма-кет мағлубиятлар тақдирингиз аччиқ зарбаларини орта қолдириб, ниҳоят, оянинг чинакамига ёруғ бўлган ўн беш кунини бошдан кечира бошлайсиз. Иш жойингизда янги лойиҳаларни амалга татбиқ этган ҳолда фаоллигингизни ошириб, мактовлар эшитасиз.

Чаён. Ҳафта давомида кичик жамоага бош бўлган ҳолда барча соҳалар бўйича рақибларингиз устидан қозонилган галабани нишонлайсиз. Жумладан, сешанба кун омад асосан ижодкор "чаён"ларга қўлиб боқиши кутилаётган бўлса, жума тадбиркорларга катта муваффақиятлар келтиради.

Ўқотар. Утган ҳафтада битмай қолган барча ишларингизни ниҳоясига етказасиз. Ён-атрофингизга диққат билан разм солиб, олдингиздан оқайтган сувнинг қадрига етишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда, арзимасдек қўринган нарсаларга вақт ўтиб, муҳтож бўлиб қолишингиз мумкин.

Тоғ-эчкиси. Соғлиқ безовта қилмасин десангиз, таомлангангиздаги ёғли гўшдан тайёрланган юқори калорияли таомлар ўзини витаминли салатлар билан алмаштиришга ҳаракат қилинг. Иш жойингиздаги фаоллигингиз юқори баҳоланади.

Ковға. Беғим кунларини масалдаги дангаса ниначи сингари ўйин-қўлги билан ўтказсангиз, бутун ҳафтанинг оғирлиги дам олиш кунларига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун қоида бўйича ҳордиқ чиқаришини истасангиз, топширилган вазифаларни иложи борица жумагача бажариб қўйинг.

Балиқ. Ишингиз шу даражада кўпайиб кетадики, бошқача қилиб айтганда, бош қайишга ҳам вақт тополмайсиз. Шундай бўлса-да, соғлигингизга эътиборлироқ бўлинг. Толиққан асабларингизга дам бериш учун ишлар ораллигига таанаффуз қилишни унутманг.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия лозимини туширишга баъир чоп этиши бўйича тендер эълон қилади. Тижорат тақлифлари 2006 йил 20 июн гача қабул қилинади.
Манзил: Нукус кўчаси 73 — «А» уй
Тел.: 151-29-65, 152-16-04. Факс: 152-52-84

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНИНГиз КАЛТИТИДИ?
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси таниқли журналист Малоҳат ЙЎЛДОШЕВАга отаси Нишонбой отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуп ТЕШАБОВЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
- Аҳам ШАДМАНОВ
- Ақром АЛИМОВ
- Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
- Муҳаммадидхон ЙЎЛДОШЕВ
- Аъзамжон РАҲМАНОВ
- Абдувахоб ИММОМАЛИЕВ
- Бахтиёр ЁКУБОВ
- Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
- Илҳом НАСРИЕВ
- Мансур ЗОКИРОВ
- Мухлиса АҚРАМОВА
- Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
- Раҳман ОХУНОВ
- Раҳматилло КАМОЛОВ
- Сирождин САЙИДИ
- Шухрат НОРИТОВ
- Шухрат ОРИПОВ
- Қиёмиддин НАЗАРОВ
- Қобилжон ТОШМАТОВ
- Туланбой КАРИМОВ
- Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

- Абдували СОЙБАЗАРОВ
- Маркс ЮСУПОВ
- Зумрад АБРОРОВА
- Носир ТОШЕВ
- Ориф УЛМАСОВ
- Тоҳир МАЛИК
- Темир АБДУРАҲМОНОВ
- Тоҳир МИРҲОДИЕВ
- Улуғбек ЮСУПОВ
- Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА
- Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
- Шаҳзода НАЗАРОВ
- Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

- Нигора ЖУРБАЕВА
- Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
- ИҚТИСОДИЙ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
- АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
- МАЪНАВИЙ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
- ХАТЛАР, ҚИЯОТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
А. СОЙБАЗАРОВ,
Ш. ПАРПИЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буортма рақами: Г-866
Тираж: 16824

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com XXI_ASR@doda.uz

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят муқтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA

НОШИРЛИК УЙИ
Тел: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел: (998-71) 151-29-52.

E-mail: milapress@yahoo.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

MULKDORGA HAMKOR
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., КЕЛЕС, ПРОМЗОНА. Тел: (8371-06) 56-106. E-MAIL: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

БУТУНЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИ

ТРАНСФЕР

РЕКЛАМА